

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

Самигова Комила Абдурауфова

603- ДМТТ психологи

+998997950876

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7189882>

Аннотация: Сўнгги йилларда мамлакатимиз маълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўқув жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш асосида уни шахсга йўналтириш учун ҳам замин ҳозирлади. Таълим жараёнини сифат босқичига кўтариш талаб қилинаётган бугунги кунда уни тўлалигича ўқувчи шахсига йўналтириш, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ота-она, ўқитувчи- таълим муассасаси, ўқитувчи- ўқитувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликни амалга ошириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: ҳамкорлик педагогикаси, ҳамкорликда ўқитиш, ўқувчи, ўқитувчи, танқидий фикрлаш, интерфаол методлар, дўстона муносабат, мустақил фикр.

Abstract: Reforms implemented in the education sector of our country in recent years have prepared the ground for the democratization of the educational process, humanizing it and directing it to the individual. Today, when it is demanded to raise the educational process to the level of quality, it is of great pedagogical importance to direct it fully to the personality of the student, to implement active cooperation between teacher and student, teacher-parent, teacher-educational institution, and teacher-teacher.

Keywords: collaborative pedagogy, collaborative learning, student, teacher, critical thinking, interactive methods, friendly attitude, independent thinking.

Кириш. Ҳамкорлик асосида Умутаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш яъни ҳамкорликда ўқитиш педагогика фанида анча йиллардан буён амалга оширилмоқда. Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси ниманидир биргаликда ўқишдир. Ҳамкорлик таълимим педагог ва ўқувчиларни таълимимй фаолият жараёнида биргаликда ривожланиши, бир бирини чуқур тушуна олиши, бир-бирларига нисбатан қалбан яқинликни ҳис қилиши, фаолият босқичлари ва шу босқичларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил қилишдан иборат бўлиб, илғор ривожлантирувчи ғояларни ўзида акс эттириши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бунда педагогика фани билан таълим муассасалари орасида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шахсга йўналтирилган таълим назарияси педагогик жамоа ва ҳар бир

Ўқитувчининг фаолиятида ўз аксини топиши керак. XXI асрга келиб таълим тизими олдига янгиша шахсий сифатларга эга бўлган ўқувчи, яъни феномен (фавқулудда талантли шахс)ни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Асосий қисм. Ҳамкорликка асосланган шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш бугунги кунда таълим тизими олдига қўйилган ижтимоий буюртманинг асосини ташкил этади. Шу билан бир қаторда, ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш, фан-техника ютуқларини эгаллашга бўлган эҳтиёжини қондириш, ўқитиш жараёнида унга инсонпарвар ёндашув зарурлигини талаб қилмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этишга инсонпарвар ёндашувнинг асосий вазифаси ўқувчида муайян билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни инкор қилмайди, балки унинг вазифаларини кенгайтиради ва бойитади. Таълим жараёнида ҳамкорлик педагогикасига таяниш шахсга қаратилган таълим технологияларини қўллаш, ўқувчида жамоавийлик, уз ўртоқларининг аклий ва ахлоқий фазилатлари билан фахрланиш, жамоа таркибида ўзининг муносиб ўрнига эгаллиги билан гурурланиш туйғусини тарбиялаш, уни жамоа аъзолари билан биргаликда фаол билим олишга ўргатиш демакдир. Ўқувчи шахсига йўналтирилган таълимнинг истикболли, устувор йуналишлардан бири бу уларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш асосида ривожланишини таъминлашдир. Миллий ахлоқ тарбиясида маънавий-рухий, миллий нафосат ва жисмоний тарбия ҳам таълим жараёнида устувор урин эгаллаши лозим. Бунда ўқув материали шаклида берилган таълимий матнлар, дидактик машқлар, ўқув топшириқлари ёрдамида ўқувчиларга турли шаклда ахлоқий-маънавий тарбия ва миллий нафосат меъёрлари, умуминсоний қадриятларни сингдириш назарда тутилади. Ўқувчиларнинг ҳамкорликка киришишлари жараёнида уларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ва ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири. Шу мақсадда танланган вазиятлар таъсирчанлиги, ҳаётийлиги, кизикарлилиги, ўқувчиларнинг хиссий оламига таъсир қила олиши, улар учун зарур амалий кўникмаларни шакллантириш имкониятига эга бўлиши, янги билимларни узлаштириш ва мустахкамлаш, амалий жихатдан қўллашга қўмаклашиши лозим. Ўқувчиларининг образли тафаккур қилиш имкониятидан келиб чиққан холда уларни биргаликдаги фаолиятни вужудга келиш жараёни билан таништириш керак. Бу жараёнда ўқувчилар ҳамкорликка киришиш йуллари ва усуллари билан яқиндан танишади. Ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларини бойитишга йўналтирилган машғулотлар сунгида улар билан якунловчи характердаги тахлилий суҳбат утказиш талаб қилинади. Мазкур жараёнда ўқувчилар

Ўзаро муносабатларини қандай ташкил этишлари, синфдошлари билан мулоқот жараёнида қандай қоидаларга амал қилишлари кераклиги ҳақида уз фикрларини баён қиладилар. Бундай суҳбатлар жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқитувчи ўқувчиларни ҳар қандай ишни ҳамкорликда бажариш самарали эканлигига ишонтира олиши лозим. Шундагина ўқувчилар муайян карама-қаршиликлар вужудга келганда уни ҳамкорликда бартараф этишга ҳаракат қиладилар. Таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги фаолиятларида ҳам талайгина зиддиятлар вужудга келади. Уларни бартараф этмасдан, ўзаро ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш мумкин эмас. Баъзан улар дарсга кечикиб келади. ўзаро гаплашиб ўтиради, бир-бирига халақит беради, танаффус вақтида угил болалар киз болалар билан ўзаро жанжаллашади, натижада улар орасида турли тукнашувлар вужудга келади. Ўқув-тарбия жараёнидаги зиддиятли вазиятлар дастлабки, оддий ходисалар булса-да, ўқувчилар ўзаро тўкнашувларга одатланмаслиги керак. Ўқувчилар орасидаги ўзаро ижобий муносабат ва ҳамкорлик тажрибасининг етарлича шаклланмаганлиги туфайли улар орасидаги зиддиятлар ўқув жараёни натижалари ва синфдаги психологик муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ўқувчилар жамоаси орасидаги рухий вазиятни издан чиқаради. Ўзбекистон таълим тизимида кенг кўламли ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги муносабати билан шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларда зиддиятларни бартараф этиш соҳасида ўқитувчи билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларини шакллантириш учун уларда ижобий муносабатларга киришиш тажрибасини таркиб топтириш лозим. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабат тажрибаси улар шахсиятининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиб, характерининг ўзига ҳос жихатлариини қарор топтиради, мулоқот ва ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладди. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларда шундай кўникмалар шакллантириладики, уларнинг асосий вазифаси ўзига ҳос жихатларини ривожлантириш, ўқув жараёнида ҳамкорлик вазиятларини вужудга келтириш, хулқ-атворнинг ижобий тажрибасини шакллантиришга кўмаклашади.

Хулоса: Оила, мактаб ва ижтимоий борлиқ ўсиб келаётган авлодни шакллантирувчи муҳим ижтимоий институтлар сифатида акс этади. Натижалар барча учта тарбия манбаларининг биргаликдаги ҳаракатида аниқланади. Бундан болаларни ҳимоя қилувчи ижтимоий ва давлат

институтларига таъсир этувчи отаоналар билан ҳамкорлик, омилкор бошқариш ғояси келиб чиқади. Ҳамкорлик концепцияси – ўқитувчи-ўқувчи муносабатларидаги ҳамкорлик, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларининг биргаликдаги таҳлили, маънавий дунёда бир-бирига самимийлик, ўзаро бир-бирини мустаҳкам тушуниш, катталар ва болаларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолияти ғояси. Анънавий таълим педагогик жараёнда ўқитувчининг субъект сифатидаги, талабанинг эса объект сифатидаги иштирокига асосланган. Бу қоида талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти ҳақидаги тасаввур билан алмашади. «ўқувчи-ўқувчи муносабатлари ҳамкорликнинг турли шакллари (ҳамкорлик, бирга қатнашиш, бирга қайғуриш, бирга ижод қилиш, биргаликда бошқариш)да қабул қилинган умумий жамоа ҳаётининг фаолиятида амалга ошади.

REFERENCES

1. Каримов И.А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1997.
2. Баркамол авлод орзуси. // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Аҳлиддинов, Ҳ.Саидов. – Т.: “Шарқ”, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон
4. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000.
5. Боголюбов В.И. Педагогическая технология: эволюция, понятия. "Педагогика", 1991, 91. -С. 123-128.
6. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: "Chior ENK", 2002.